



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

25 Бу ёрқин кўчалар, жон Ўзбекистон!

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 25 йиллиги

«Жон Ўзбекистон» кўшиғига асос бўлган ушбу мисрани ўқишингиз билан қулоғингиз остида кўшиқнинг ўзи оҳиста тара-ла бошлаган бўлса, ажаб-мас. Кўплаб тадбирларнинг авж нуқтасига айланган хо-нишнинг ҳар бир сатри шу юрт, шу эл фарзандиман деган ҳар қандай кишининг қалб торларини чертиб юборади. Беихтиёр, шундай улғу диёрнинг, буюк миллат-нинг вакили, не-не буюк му-тафаккир ва жасур аждод-ларнинг авлоди эканингиз-дан фахру ифтихор туясиз.



Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июл куни Оқсаройда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти Чинг-Куо Вуни қабул қилди.

Чинг-Куо Ву AIBA Ижроия қўмитасининг Тошкентда ўтаётган маж-лисидида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрди. Маз-кур спорт форуми Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси учун Бра-зилияда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, AIBA ва унинг раҳбари Чинг-Куо Ву ўзининг муносиб хизмати билан дунёда кенг тарқалган бокс ва, умуман, Олимпия ҳаракатини ривожлан-тиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилот Ижроия қўмитаси мажлиснинг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу жаҳон спортида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Чинг-Куо Ву мамлакатимизнинг жаҳон спорт майдонидида обрўси ортиб бораётганини юксак баҳолади. Ўзбекистонда жисмоний тар-бияни оммалаштириш ва болалар спортини ривожлантириш маса-ласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани халқаро жамоатчи-ликка яхши маълум. Давлатимиз раҳбарининг соғлом турмуш тар-зини қарор топтириш ва ҳар томонлама етук ёшларни воёга ет-казишга доимий ғамхўрлик кўрсатаётгани, бу борада мақсадли иш-лар амалга оширилаётгани натижасида айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнамоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида профессионал спортчи, му-раббий ва ҳакамларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди. Бугун барча зарур техник ва услубий воситалар билан таъминлан-ган саксондан зиёд спорт федерациялари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 51 мингдан ортиқ спорт иншоотлари бунёд этилган. Спорт турлари бўйича кўплаб марказ ва секциялар, энг яхши хорижий спорт ареналаридан қолишмайдиг-ан спорт мажмуалари ва заллари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқлари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар юксак самара-лар бераётганидан далолатдир. Тарихан қисқа фурсатда 6 олтин, 5 кумуш ва 10 бронза медали қўлга киритилди.

Ўзбекистон спортида бокс алоҳида ўрин эгаллайди. 2014-2015 йилларда мамлакатимизнинг барча ёш ва вазн тоифасидаги чарм қўлоқ усталари турли даражадаги 269 медалга сазовор бўлди. Ўзбекистонда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар ва бокс тур-нирлари мунтазам ўтказилмоқда. 2015 йилнинг 7-14 июн кунлари AIBA шафелигида пойтахтимизда ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 7 олтин ва 6 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда ҳаваскорлик боксини ри-вожлантириш, мамлакатимизнинг AIBA билан самарали ҳамкорли-гини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси раҳбари Президент Ислам Каримовга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонда спортни, жумладан, боксни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётгани учун миннатдор-лик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентига спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш йўли-даги улкан хизматлари учун, шунингдек, боксчи халқаро ва миллий даражада ривожлантириш борасидаги фидокорона меҳнати эъти-рофи сифатида AIBAнинг юксак мукофоти — «Хизматлари учун» ордени топширилди.

ЎЗА

Ўзбекистоннинг экологик тоза мева-сабзавотлари халқаро миқёсда эътироф этилмоқда

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси иштирокчилари Андижон, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва бошқа вилоятларда бўлиб, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлан-тириш, озиқ-овқат маҳсулотла-рини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижти-моий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайти-риш, фермерлик ҳаракатини ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган туб исло-ҳотлар самарасида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда озиқ-овқат мустақиллигига эришди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мам-лакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш кенгайтирилмоқда.

Ярмарканинг бир гуруҳ иштирокчилари Фарғона вилоя-тида бўлди. Улар «Фарғона гўшт-сут савдо» масъулияти чекланган жамиятини минг тонналик сизимга эга музлат-гич камералари, «Fergana Fresh Fruits» компаниясининг 40 гектар майдондаги интенсив боғлари, Қувасой шаҳридаги «Муя» агрофирмаси шафтоли ва олма боғларини, Олти-ариқ туманидаги тўрт минг тонналик сизимга эга музлат-гичли камерани кўриб, вилоятнинг озиқ-овқат саноати со-ҳасида эришаётган ютуқлар билан танишди.

Ўзбекистонда етиштирилган сифатли ҳамда эколо-гик тоза мева, узум ҳамда полиз маҳсулотлари Россияда жуда қадрланади ва севиб истеъмол қилинади. — дейди Россия Федерациясининг «X5 Retail Group» компанияси вакили Манучар Кутателадзе. — Мазкур ярмарка ҳали ишга солинмаган имкониятларни юзга чиқаришга хиз-мат қилмоқда. Бизга нафақат хўл мева, балки қуритил-ган мева ва сабзавотлар, хусусан, туршак, майиз, пиёз, қарам ҳам манзур бўлди.

— Ҳозиргача Буюк Британия, Сингапур, Хитой, Ҳиндис-тон, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия каби давлат-лар билан 200 миллион долларлик шартнома имзолан-ган. — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Фар-ғона вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбари Баҳром Сул-тонов. — Мазкур шартномалар узоқ муддатларга тузил-гани билан янада аҳамиятлидир.

Ярмаркада иштирок этаётган Озарбайжон, Қозоғис-тон ва Россия компаниялари вакиллари Сирдарё вилоя-тининг Бобўт, Ховос, Мирзаобод ва Сирдарё туманла-ридаги интенсив боғларда, мевани сақлаш ва қуритишга ихтисослашган корхоналарда бўлди.

Ў(2).

ФАХРУ ИФТИХОРИМ — ТОШКЕНТ

Минг шукри, халқимизнинг асрий орузи — мустақиллик тантанасини кўриш, унинг фаол иштирокчиси бўлиш бизга ҳам насиб этди. Бу тарихий ўзгаришлар даврида нафақат эл-юрт, одамлар, уларнинг дунёқарши, маънавияти, ҳатто ўзлари ҳам ўзгарди. Шаҳар ва қишлоқ-лардаги бунёдкорлик ишларини айтмайсизми... Ободлик кўнгилдан бошланади, деган ҳикмат-нинг ҳаётдаги ифодаси бу!

Жумладан, истиқлол йилларида пойтахтимиз-да амалга оширилган ишлар кўлами, мазмун-мо-ҳияти ва аҳамияти беқиёс. Яшилликка буркан-ган, замонавийлик касб этаётган шаҳримиз би-лан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Кўркам имо-ратлар, равои йўллар, қиёси йўқ хиёбонлар бу ерга ташриф буюрган меҳмонларни мудом ҳай-ратга солган. Ҳа, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, яшил ҳудудларни кенгайти-

риш борасидаги ишлар натижасида Тошкент тобора обод ва кўркам бўлиб бораётир. Бирги-на «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, «Маърифат маркази», Навоий кўчасида бунёд этилган замонавий уйлар ҳақида гапирганда, кўнгилмиздаги фахр туйғуси янада ошади. Ушбу кўчада гоят қисқа вақт ичида қад ростлаган янги иморатлар худуд қиёфасини тамомилга ўзгарти-риб юборди. Илгари бу ерда тартибсиз дўкон-лар, унинг ортида ташландиқ ерлар бўларди. Бу-гун эса тамомил бошқача — обод масканга ай-ланди. Муҳими, бежирим, бир-бирини такро-ламайдиган архитектура асосида бунёд этила-ётган кўп қаватли тураржойлар шаҳримиз чиройини янада оцаётир. Бундай шароитда ис-тиқомат қўлаётган бахтиёр оила, шубҳасиз, юр-тимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган баркамол авлодларни воёга етказди.

Ў(3).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

2016 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва республика Хукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш асо-сий прогноз кўрсаткичларининг бажа-рилиши, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгариши, модернизациялаш ва ди-версификациялашни таъминлаш, сано-ат, муҳандислик-коммуникация ва иж-тимоий инфратузилманинг ишга туши-рилаётган энг муҳим объектларини фойдаланишга топшириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини изчил қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш, хорижий инвесторларни акциядорлик жамиятла-рининг устав капиталлари ҳақида жалб этиш, корпоратив бошқаруving замо-навий методларини, энг аввало, янги-дан ташкил этилган тузилмаларда жо-рий этиш бўйича дастурий чора-тад-бирларнинг амалга оширилиши сама-радорлиги ҳар томонлама кўриб чи-қилди ва танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, пухта ўйланган ҳамда жаҳонда ривожланишнинг «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган стратегиянинг миллий манфаатларга жавоб берадиган изчил ва аниқ мақ-садга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши тўғрисида, жаҳон иқтисоди-

ётдаги чуқур тизимли муаммоларнинг мавжудлигига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисо-дий ўсишнинг юқори суръатлари, аҳолининг турмуш даражаси ва сифа-тини узлуксиз ошириш барқарор ра-вишда сақланмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги уму-ман халқаро молия институтлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда, жумладан, бу жорий йилнинг 23-24 июнида Тошкент ша-ҳрида ўн бешинчи юбилей саммити му-ваффақиятли бўлиб ўтган Шанхай ҳам-корлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам қайд этиб ўтилди.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мус-тақиллигининг 25 йиллигини нишон-лашга тайёргарлик кўриш ва уни ўт-казишга бағишланган қароридида қайд этилганидек, ушбу йилларда миллий иқтисодиёт қарийб 6 бараварга ўсди. Ўзбекистоннинг галла, ёқилги-энерге-тика ва транспорт-коммуникация мус-тақиллигига эришилди. Саноатнинг иқтисодиётдаги улуши 34 фоизга, тай-ёр маҳсулотларнинг экспорт таркиби-даги салмоғи 70 фоиздан зиёд ошди.

Истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон боши ҳисобига 7 бараварга, реал да-роматлар 12 баравардан ортиқ қўлай-ди. Давлат бюджетининг 60 фоиздан юқориси ижтимоий соҳани ривожлан-тиришга йўналтирилмоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишни, тар-кибий ўзгаришни ва модернизация қилишни таъминлаш бўйича кўрилаёт-ган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўй-ича ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсишини таъминлади. Саноат ҳажми-ри 6,7 фоизга ўсди. Қурилиш ишлари ҳажми 17,5 фоизга, хизматлар курс-ати ҳажми 12,9 фоизга қўлайди. Дав-лат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридидаги про-фицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Молия-банк тизими барқарорлиги-ни янада ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банклар жами капи-талнинг 23,3 фоизга ва депозитлар-нинг 27,7 фоизга ўсишини таъминла-ди, бу иқтисодиётни кредитлаш ҳаж-мларининг 26,2 фоизга қўлайишига кўмаклашди. Барча банк кредитлар-нинг қарийб 80 фоизи инвестиция мақ-садларига берилган узоқ муддатли кредитлардир.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши-ни модернизациялаш, дивер-сификациялаш ва оптималлаштириш дастурий чора-тадбирларини фаол амалга ошириш давом эттирилди. Мева-сабзавот маҳсулотлари етишти-ришга давлат бюртмаси жорий этил-ди. Ғўза майдонлари қисқартирилди,

бўшаган майдонларга мева-сабзавот экинлари экилди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга қўлайди.

Кўрилаётган тизимли чора-тадбир-лар тўғрисида йил бошидан буён 462,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 276,7 мингтаси ёки 59,8 фоизи қишлоқ жойлардадир.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида оналик ва бола-ликни муҳофаза қилиш, соғлом ва ҳар томонлама камол топган авлодни тар-биялаш тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни молия-лаштиришга барча манбалар ҳисоби-га 4,4 триллион сўмдан кўп ва 111 миллион доллар миқдоридида маблағлар йўналтирилди.

Муҳокамалар давомида вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йи-риқ корхоналар ва ҳўкимликлар раҳ-барлари олдида 2016 йил учун белги-ланган барча мақсадли параметрларга ва прогнозларга эришишни таъминлай-диган кўшимча чора-тадбирлар ком-плексини ишлаб чиқиш ва амалга оши-риш, шунингдек, энг аввало, иқтисо-дий тармоқларини таркибий ўзгари-тириш, модернизациялаш ва диверсифи-кациялашни чуқурлаштириш, ҳудудлар-ни комплекс ривожлантиришнинг қабул қилинган ўртача муддатли дастури-ни ўз вақтида ва сифатли амалга оши-риш ҳисобига келгуси йилда иқтисо-дийнинг барқарор ишлаши учун тай-ёргарлик ишларини ташкил этиш юза-сидан аниқ вазифалар кўйилди.

Ў(2).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ва «Ўзбекгенгилсаноат» акциядорлик жамияти раҳбарларининг эътибори, шу жумладан, ҳар йили ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида хорижий компанияларни — жаҳондаги етакчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни биргаликда фаолиятга жалб этишни таъминлаган ҳолда пахта толасини қайта ишлаш ҳамда тайёр тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўришининг зарурлигига қаратилди.

Стратегик инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш ва жорий йилда ишга тушириладиган муҳим объектларни ҳамда саноат қувватларини, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфраструктура объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмларини 11,8 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитларни 17,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. Жами қиймати 1,9 миллиард АҚШ доллари бўлган 43 та ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 3,4 миллиард АҚШ доллари рақибдан ортқ бўлган 72 та янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари 1,5 бараварга ошиши таъминланди.

Фарғона водийси вилоятларини республиканинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри темир йўл орқали боғлайдиган, 19,2 километр узунликдаги ноёб туннелга эга бўлган 123,1 километр узунликдаги электрлаштирилган Ангрен-Поп темир йўл линияси ишга туширилди. Самарқанд-Бухоро темир йўли линиясини электрлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилмоқда. Узунлиги 1250 километр ортқ бўлган кенг поёнали тола-оптик алоқа линиялари барпо этилди. Аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 68 фоизга етказилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 мингта яқна тартибдаги уй-жойни куриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

органлари раҳбарларининг эътибори, энг аввало, маҳаллий, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли, рақобатбардош ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларнинг янги замонавий турларини ишлаб чиқарувчи юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш юзасидан уларнинг шахсан жавобгар эканликлари қаратилди.

Бир қатор вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига инфратузилмаларни, транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни, шунингдек, шу йил 30 июн ва 1 июлда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига таъшири давомида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишни ўз вақтида таъминлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳаллий товарларни сотишни янги хорижий бозорларини ўзлаштириш, шу асосда 2016 йилда, айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш прогност параметрларига сўзсиз эришни таъминлаш бўйича қўрилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги пухта таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, ҳақон бозорларида конъюктуранинг нобарқарорлигига ва ноқулайлигига қарамай, экспортни кўпайтириш резервларини максимал жалб этиш, экспорт қилувчи корхоналарни фаол рағбатлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг жадал суръатлар билан ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий салдосини таъминлади. Йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган қарийб 600 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳсулотларнинг 208 та янги турларини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш таъминланмоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида ҳўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари олдига экспортни кўпайтиришнинг мавжуд резервларини сафарбар этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг

ҳамда «Ўзтадбиркорэкспорт» компанияси раҳбарларининг кичик бизнес субъектларини ва фермер ҳўжаликларини экспорт фаолиятига фаол жалб этишни таъминлаш, шунингдек, «Ўзбеккозиқовқатхолдинг» компанияси ва «Ўзгазоэкспорт» акциядорлик жамияти раҳбарларининг энг аввало, якунига етаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида тузилган шартномалар асосида янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кенгайтиришни таъминлаш юзасидан шахсий маъсулияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда давлатнинг иқтисодий-дағи иштирокини тубдан қисқартириш, давлат активлари ва улушларини хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига хусусий мулкни жадал ривожлантириш ҳамда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини жорий этиш бўйича қўрилган чора-тадбирларнинг ҳолати ва натижадорлигига алоҳида эътибор берилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида хусусий мулкка қарийб 267,5 миллиард сўм миқдорда инвестиция мажбуриятлари қабул қилган ҳолда 305 та давлат активлари сотилди. Утган даврда хорижий инвесторларга 30 та акциядорлик жамиятидаги улушлар сотилди. Устав фондларида давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2015 йилнинг шу давридаги 374 та ўрнига 202 тагача қисқарди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларига акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига камида 15 фоиз миқдорда салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш ва 2015 йил ноябр ойидаги Халқаро инвестиция форумида тузилган меморандумлар доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ишларини фаоллаштириш топшириғи берилди.

Давлат рақобат қўмитасига манфатдор вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар билан биргаликда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини жорий қилиш ва қўллашнинг, шунингдек, «нол» қиймат бўйича сотилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ҳамда инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари олдига баҳарлигининг ҳолати юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлаш юканди.

Мажлисда галла ўрим-ийғими якунлари танқидий таҳлил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи иқтисодий тармоқлари раҳбарларининг эътибори куч ва воситаларни гўзани интенсив парваришлаган ва ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар комплексини таъминлашга йўналтирилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, давлатимиз раҳбари қарори асосида янгидан ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Миллий университетда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳамда Тошкент давлат техника университетида таълим жараёнини янада такомиллаштириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бунда олий таълим муассасасидаги таълимнинг илм-фан билан ўзаро мустаҳкам алоқасини илғор жаҳон тажрибаси асосида таъминлашга, шунингдек, иқтисодий тармоқларнинг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати ва даражасини тубдан оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг баҳарлигини ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кўтиб олиш ва тантанали нишонларни бўйича ташкилий-амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунириш тадбирларини сифатли амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва республика вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитилди. Ўзбекистон Ҳўкуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА



Ўзбекистоннинг экологик тоза мева-сабзавотлари халқаро миқёсда этироф этилмоқда

ЎЗА

— Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, бозорлардаги тўқин-сочинликка ҳавасим келди, — дейди Озарбайжондаги «Агро-Юг» корхонаси директори Т.Бибетов. — Бундай тўқинлик, арзончилик, мўл-кўлчиликка шукр қилиш, унинг қадрига етиш зарур. Ҳамкорлик доирасини кенгайтириш учун «Сирдарёсавдомпекс» компанияси билан йил охирига қадар 15 миллион долларлик мева, «Сирдарёинский берег» жамиятидан эса 15 миллион долларлик қурилган мева-сабзавотлар харид қилиш бўйича шартнома имзоладик.

Самарқанд туманидаги «Оҳалик олтин боғи» маъсулияти чекланган жамиятида интенсив боғдорчилик усулида етиштирилаётган ўн хилга яқин мева ва узум навлари, «Агромир Самарқанд» қўшма корхонаси фаолияти хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда мева-сабзавотлардан консервланган маҳсулотлар, мева шарбатлари ва нектарлар ишлаб чиқарилади. Улар хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

— Тошкентдаги ярмаркада самарқандлик фермерлар, ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотларини кўргач, бевосита уларнинг иш жараёнига бўлган қизиқишимиз ортди, — дейди Россия Федерациясининг Сахалин вилояти савдо ва озиқ-овқат вазири ўринбосари Наталья Розанова. — Бугун «Оҳалик олтин боғи» маъсулияти чекланган жамиятининг интенсив боғлари, бу ерда жорий этилган илғор технологиялар билан танишдик. Самарқанддаги тарихий обидалар, диққатга сазовор жойларда бўлиб, Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида тарихий обидалар ва бебаҳо меросни асраб-авайлашга юксак эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдик. Регистрон мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Мирзо Улуғбек обсерваторияси бизда катта таассурот қолдирди.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўз ишини давом эттирмоқда.

Сайёра ШОЕВА,

ЎЗА муҳбири.

ЎЗА фотомуҳбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Ўз касбининг моҳир эгалари

Рағбатга лойиқ меҳнат

«Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизими Хоразм вилоят босқичи ғолиблари муносиб тақдирланди.

Улар орасида Икром Рўзметов ҳам бўлиб, у Урганч тадбиркорлик ва сервис касб-хўнар коллежи катта устаси. 32 йиллик педагогик фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди, моҳир мураббий сифатида ҳамкасблари ва ўқувчилар орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Коллежда ўқув жараёни самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш таълими ва амалиёт машғулотларини давлат таълим стандартлари даражасида ўтказилишини таъминлаш, ўқув-фан хоналари ва устaxonаларнинг услубий жиҳозланишида И.Рўзметовнинг ҳиссаси катта. У ёш муҳандис-педагогларга янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланишда услубий ёрдам бериб келмоқда. Икром Рўзметов Республика ўрта махсус, касб-хўнар таълими алоҳисиси.

Ғолиблардан яна бири Урганч туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази тўғарак раҳбари Гулнора Атоева. У миллий анъана ва қадриятларимизни ёш авлод қалбига синдириб, миллий хўнармандчилигини ривожига ҳисса қўшиб келаётган. 1993 йилдан буён турли масканларда тўғарак раҳбари сифатида ёш истеъдодларни кашф қилиб, улардаги иқтидор унқулларини аланга олдирётган мураббий «Ташаббус — 2006» кўрик-танлови туман босқичи ғолиби, 2010 йилда «Дўппи тикдим, инаклари тиллодан» кўрик-танлови вилоят босқичи соврин-

дори бўлган. Бу йил эса «Ўқув-кўргазмалари кўроллари» танловининг вилоят босқичида «Кўлда ясалган кўргазмалар» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади.

— Танловнинг вилоят босқичига тақдим қилинган ҳужжатларни таҳлил қилар эканмиз, иштирокчиларнинг ҳар бири соҳа ривожига, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаятганликларига амин бўлдик, — дейди тармоқ Республика кенгашининг вилоят бўйи-

ча масъул ташкилотчиси М.Раҳимова. — Уйлайманки, рағбат улар кучига куч, гайратига гайрат қўшади.

Ушбу танловда 4000 дан зиёд ўз касбининг моҳир усталари иштирок этди. Уларнинг 33 нафари вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларига айланди. 5 нафар моҳир ходим республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,

«Ishonch» муҳбири

Кўриб турибмизки, диёримиз кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Қурилиш соҳасидаги жадал ривожланиш тўғрисида халқимизнинг қўлига қўйилган таълим ва маданият ҳақиқатлари таълим ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизими Хоразм вилоят босқичи ғолиблари муносиб тақдирланди.

Тармоқ касаба уюшмалари томонидан соҳа ходимлари қатори, бўлажак муҳандислар ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳимоя билан қамраб олинган бўлиб, уларнинг таълим олиши, касб-хўнар эгаллаши учун яратилган шaroитларни ўрганиб, юзага қалқиб чиққан масалалар ечимига жойида жавоб топишга ҳаракат қилинмоқда. Иқтидорли ёшлар рағбатлантириляпти.

Ҳақинда тасарруфимиздаги барча қурилиш касб-хўнар коллежлари битирувчилари ўртасида «Энг яхши ишчи касб эгаси» кўрик-танлови ташкил этилди. Унинг биринчи босқичида 100 дан зиёд битирувчи касб сирларини қандай эгаллаганини намойён қилди. Ғолибликни қўлга киритган 12 нафар битирувчи вилоят босқичида ўзаро куч синашди.

Танлов иштирокчилари соҳага доир саволларига жавоб қайтариб, амалий машғулотларда малака ва маҳоратини намойиш этди. Натижаларга кўра, танловнинг «Умумқурилиш ишлари устаси» йўналишида Урганч қурилиш касб-хўнар коллежи битирувчиси Йўлдош Йўлдошев биринчи, Урганч туман қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежи битирувчиси Тўлқин Очлов иккинчи, Шовот қурилиш касб-хўнар коллежи битирувчиси Воҳиджон Қўзиёев учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Қамолддин РЎЗМЕТОВ,

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят бирлашган қўмитаси раиси

Вилоятдаги давлат муассасалари ва жамоат хизмати ташкилотлари ходимлари ўртасида ҳам «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг тармоқ ходимлари орасида вилоят босқичи ғолиблари аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, меҳнаткашларнинг ўз касбига бўлган фидойилигини таъминлаш ва уларнинг профессионал даражасини ошириш, ташаббус ва илганликлари қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаолиятга кенг жалб қилиш, «Устоз-шогирд» аъналарини давом эттирган ҳолда, турли соҳаларда меҳнат қилаётган моҳир касб эгаларига ёш мутахассисларни бириктириш орқали ёшларнинг касб маҳоратининг ўсишига эришишда ушбу танлов муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловнинг шаҳар, туман босқичларида 500 дан зиёд ўз касбининг моҳир усталари иштирок этди. Улар орасидан 30 нафардан ортиги вилоят босқичига йўланмани қўлга киритди.

Шовот туман ҳокимлиги молия бўлими бош иқтисодчиси Сардорбек Ҳасанов, Гулран туман бандликка қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассиси Маҳмуд Шомуротов, «Маҳалла» жамоат фонди Хожа туман бўлини бош мутахассиси Айитжон Каримова, Ўзбекистон мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Боғот УСТК ўқитувчиси Эргаш Эламонов, «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банки Хоразм вилоят филиали иқтисодий тармоқларини кредитлаш бўлими бошлиғи Сарвар Раҳимов танловнинг Республика босқичида яна бир бор ўз истеъдодларини намойиш этадиган бўлдилар.

Ш.АЛЛАБЕРГАНОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Семинар

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бир қатор тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот ва ОАВ ходимлари кунини муносабати билан йўллаган байрам табригида белгиланган вазифалар ижроси» юзасидан семинар ташкил этди.

Ҳолис ва ҳаққоний сўз учун

Анжуманда «Истиқлол ғояларини эл-юрт онгу тафаккурига синдириш, мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий матбуотнинг роли», «Журналистика соҳасининг қаррлар салоҳиятини мустаҳкамлаш: амалий тажрибалар ва истиқболдаги имкониятлар», «Журналистларнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тўқ моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга ҳолисона ва ҳаққоний ёндашиш матбуотнинг ўзгармас қондииси ва принципи», «Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз ахборот маконида мутаносиб ривожланиш бориши фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омилли» мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Таъкидландики, мустақилликнинг илк даврдан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тугган роли, фаолияти самарадорлигини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат ижтимоий билан олиб боришмоқда.

Амалга оширилган тўб ўзгаришлар натижасида ўтган даврда миллий журналистиканинг, матбаачилигимиз сон ва сифат жиҳатидан яхшиланди. Ҳозирги вақтда юртимизда 1 минг 400 дан ортқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир кеча-кундуз мобайнидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларда фаолият самарадорлигини ошириш учун бугун кўпроқ нималарга эътибор қаратиш зарурлиги масалалари тилга олинди. Бунинг учун байрам табригида қайд қилингандек, «Айниқса, журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўқ моҳияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга ҳолисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қондииси ва принципи бўлиб қолиши даркор» эканлиги алоҳида урғу берилди.

Ўз муҳбиримиз

Бу ёрқин кўчалар, жон Ўзбекистон!

Қ(1).

Дарҳақиқат, пойтахтимизда олиб бориладиган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг қўлими шу қадар кенг, суръати шу даражада тезки, шу шаҳарда яшаб туриб, гоҳида уни танимай қоламиз. Фаровонлигимиз ифодаси бўлган замонавий савдо мажмуалари таърифи эса сўз оғзи! Барча шароитларга эга, кенг ва ёруғ савдо расталари, маҳсулотлар турининг кўпчилигини қўзғайди. Уларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган. Ўзимизнинг телевизор, кир ювиш машинаси, музлаткич, мебел, кийим-кечак... Бундан ҳақиқий замонавий савдо мажмуаси, деса бўлади. Буларнинг бари мустақиллик туфайли.


Ҳа, мамлакатимизда амалга оширилган юксак бунёдкорлик ишларини бутун дунё эътироф этмоқда. Тошкент шаҳри йилдан-йилга чирой очиб, миллий мейморчилик аъёнлари ҳамда дунё архитектураси ютуқларини ўзида уйғунлаштирган йирик мегаполисга айланаётган. Замонавий ишхоналар, йўл ва кўприклар, хиёбонлар, истироҳат болгалари аҳолига кенг қўлайлик яратмоқда. Буюк Британиядаги нуфузли «Экономист» журналы пойтахтимизни дунёдаги яшаш учун энг қўлай 140 шаҳар орасида 58-ўринга лойиқ тоғани ҳам беҳиз эмас.

—Ўзбекистонга келганимга тўрт йил бўлди. Шу давр ичида ўзгаришлар ҳайратинга ҳайрат қўймоқда. Бундай юксалиш мўҳимдуст ва самимий халқингизга жуда ярашади, — дейди Ўзбекистон Миллий университети битирувчиси, жанубий корейлик Кахён Бу. —Айниқса, Тошкент шаҳридаги миллийлик ва замонавийлик уйғунлигидаги биналар, раван ва кенг йўллар, бир-бири тасвирларга ҳавас қиларайди. Ёшларга яратилган имкониятлар, таълим тизимидаги ислохотлар самарасини эса юртингизда ўқиган талаба сифатида алоҳида эътироф этмоқчиман.

ЙЎЛИ РАВОННИК — КЎНГЛИ РАВОН

Пойтахтимизда транспорт-коммуникация тизими изчил такомиллаштириладигани, халқроқ талабларга мос йўл ва йўл ўтказгичлар, транспорт болгалари қўлайлаштирилади, ҳақиқий ҳаёт ва йўловчиларга қатор қўлайликлар яратмоқда. Хусусан, ўтган йилда Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларини кесиб ўтган, Форобий, Қорасарой, Сағбон, Себзор ва Лабзак кўчаларини узаро туташтирган 5,1 километр узунликдаги янги Нурафшон кўчасининг қурилиши, Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари ҳамда Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳаларда янги кўприклар бунёд этилгани аҳолининг узоғини яқин қилиб, вақт ва маблағини тежаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган жойда транспорт тизимининг автомобиллар ва пиёдаларга ноқулайлик тугдирад эди. Янги бунёд этилган кўприк бу муаммоларга барҳам бериш билан бирга, автомобиллар ҳаракатининг узлуksизлиги ва хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди. Кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун 102 ва 111 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлига барпо этилиб, уларга чиқиб-тушиш учун зиналар билан бирга эскалатор ва лифт ҳам қўрилди. Ўтиш йўлақларида ёғин-сочинли қунарда химояланиш мосламалари ҳам ўрнатилган. Бундай замонавий, одамлар учун барча қўлайлик эътиборга олинган



Ўзлонлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 мартдаги 60-сонли қарори ижросини таъминлаш учун «Qishloq Qurilish Invest» МЧК ишқорининг компанияси жорий йилда қуриладиган намунавий уй-жойларга газда ишлайдиган икки контурли иситиш мосламалари (қозонлари) ни етказиб беришни ташкилотларнинг тақдирларини кўриб чиқишини билдиради.

Тақдирларининг маҳсулотининг техник характеристикаси, мувофиқлик сертификати, маркази, бир донасининг нархи ва қарғда ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар билан 2016 йилнинг 25 июлигача qinvest@yandex.ru номли электрон почтага ёки 1000600, Тошкент ш. Шаҳрисабз кўчаси, 36-йў манзилига юборилишини сурашимиз.

кўприк-ишхоналар дунёнинг баъзи мегаполисларидагина мавжуд.

—Жуда тез фурсатда Хадра атрофи бутунлай ўзгариб кетди. Яқин ўтмишда бу қадар ўзгариш бўлишини тасаввур ҳам қилмаганим. Кўприкнинг устида шаҳар қиёфаси жуда гўзал кўринаркан. Эскалаторли ер усти йўли шахримиз учун ўзига хос янгилик, аҳоли учун эса ажойиб совға бўлди, — дейди Олмазор тумани тиббиёт коллежи ўқитувчиси Алишер Турсунов. —Коллежимиз ўқувчилари билан бу ерга атай томоша қилиш учун келиб тураимиз. Дунёнинг ривожланган шаҳарларидаги шароитларни кўриб ҳайратланардик. Энди эса пойтахтимизга келган хорижликлар ҳавасда.

Шаҳар қиёфасининг ўзгаришида кўприкларнинг ўрни катта. Экология нуқтаси назаридан ҳам бу муҳим аҳамиятга эга. Яъни, автомобил ёнилғисининг кўп ишлатилиши ҳавони бузади. Бир жойда транспорт тизимининг юз берса, бошқа жойга ҳам таъсир кўрсатади. Кўприклар ана шу муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутаяди.

ҚўЛАЙЛИК — БОШ МАҚСАД

Кувонарлиси, шахримиз қиёфасини янада кўркамлаштириш, аҳоли ва меҳмонлар учун қўлай шароитлар яратиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб қаршилаш мақсадида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ва об-


Пойтахтимизда олиб бориладиган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг қўлими шу қадар кенг, суръати шу даражада тезки, шу шаҳарда яшаб туриб, гоҳида уни танимай қоламиз. Фаровонлигимиз ифодаси бўлган замонавий савдо мажмуалари таърифи эса сўз оғзи! Барча шароитларга эга, кенг ва ёруғ савдо расталари, маҳсулотлар турининг кўпчилигини қўзғайди. Уларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган. Ўзимизнинг телевизор, кир ювиш машинаси, музлаткич, мебел, кийим-кечак... Бундан ҳақиқий замонавий савдо мажмуаси, деса бўлади. Буларнинг бари мустақиллик туфайли.

донлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

Айни кунларда Мустақиллик, Амир Темур, Афросиёб, Мирзо Улугбек, Дўрмон кўчаларида реконструкция ишлари пўнғида етмоқда. Нурафшон кўчасининг Беруний кўчасидан Чилонзор-Оқтепа майдонигача қўсим ҳамада Нукўс кўчасини Мўқимий ва Бобур кўчалари оралиғида узайтириш, Мирзо Улугбек кўчасидан Охангарон шоссесигача Тараққиёт кўчасини қуриш ишлари давом этаётган. Шота Руставели ҳамда Мўқимий кўчалари кесишувида йўл ўтказгич барпо этилаётган. Бу, ўз навбатида, шаҳар магистрал кўчаларининг ўтказувчанлик қобилиятини оширишга, тирбандлик, ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Йўл ўтказгичларнинг тунел қисмларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Абдулла Қодирий кўчасидаги, Мустақиллик ва Абдулла Қодирий кўчалари ҳамда Кичик ҳалқа йўли кесишувидаги, шунингдек, Дўрмон йўли кўчасидаги йўл ўтказгичларда таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Бундан ташқари, ўндан зиёд қўчада йўл ва йўлақларни капитал ва жорий таъмирлаш кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси пойтахтимизда транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатлигини учун янада қўлай имкониятлар яратиш, шаҳар экотизими мусаффолигини таъминлаш, одамларнинг кўнгил-



ли ҳордиқ чиқаришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши муносабати билан йўл қопламаларини тиклаш, магистрал кўчаларни реконструкция қилиш, йўл ўтказгичлар, йўл ва йўлақларни таъмирлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани ҳам диққатга сазовор.

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Содиқовнинг маълумотига кўра, ҳаракати тўхтатилган 6 та трамвай йўналиши ўрнига босқичма-босқич автобус йўналишлари ҳаракати ташкил қилинди.

Чунончи, жорий йил апрел-май ойларида 12-сонли трамвай йўналишига параллел бўлган «Беҳқайрағоч — Беруний метроси» автобус йўналиши ҳаракати йўлга қўйилди. Шунингдек, 26-сонли трамвай йўналишига параллел бўлган «Қўйиқ 4-даҳаси — Тошкент вокзали», 9-сонли трамвай йўналишига параллел бўлган «Чилонзор 25-даҳа — Тошкент вокзали», 13-сонли трамвай йўналишига параллел бўлган «Сувсоз мавзеси — Тошкент вокзали», 8-сонли трамвай йўналишига параллел бўлган «Беҳқайрағоч — Оқтепа», 17-сонли трамвай йўналишига параллел бўлган «Беҳқайрағоч — Отчопар» каби автобус йўналишлари ҳаракати йўлга қўйилди. Янги ташкил этилган автобус йўналишларида йўловчиларга хизмат қўрсатишни таъминлаш мақсадида қўшимча «Исузу» русумли автобуслар харид қилинаётган. Бу шахримиз аҳли ва меҳмонлари учун янада қўлайлик тугдириши аниқ.

Шаҳар қиёфасининг ўзгаришида кўприкларнинг ўрни катта.

Экология нуқтаси назаридан ҳам бу муҳим аҳамиятга эга. Яъни, автомобил ёнилғисининг кўп ишлатилиши ҳавони бузади. Бир жойда транспорт тизимининг юз берса, бошқа жойга ҳам таъсир кўрсатади. Кўприклар ана шу муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутаяди.

Эътиборли томони, «Тошкент трамвайи» унитар корхонаси ходимларининг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти томонидан назоратга олинган.

— «Тошкент трамвайи» унитар корхонасининг фаолияти тўхтатилган, у ерда фаолият олиб бораётган ходимлар бандлигини таъминлаш зўрасидан барча чоралар қўрилмоқда. Ходимларнинг жамиятга қарашли ва коммунал соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарга ишга жойлаштириш жараёни кетмоқда, — дейди О.Содиқов. — Чунончи, меҳнат шартномаси бекор қилиниши кутилаётган ходимлар бандлигини таъминлаш ишларини ташкиллаштириш бўйича комиссия тузилди. Акциядорлик жамияти раҳбар ва масъул ходимлари, тизимда фаолият кўрсатаётган транспорт корхоналари, ва шу билан бирга, коммунал соҳа корхоналари раҳбарлари киритилган мажмур комиссия ишчил фаолият олиб бораётган. Жумладан, жорий йил апрел-май ойларида қатор бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Уларда акциядорлик жамияти тизимидаги 11 та корхона ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. «Тошкент трамвайи» УК маъмурий биноси фойесида шаҳарда фаолият кўрсатаётган барча корхона ва ташкилотлар томонидан тақлиф этилаётган

14 500 га яқин бўш иш ўринлари рўйхати жойлаштирилди.

ГўЗАЛЛИК ВА НУРАФШОНЛИК СЕҲРИ

Дарвоқе, йўл ва кўчалар ён-атрофини ободонлаштириш ҳам алоҳида эътиборда. Шаҳар кўчаларининг икки ёнини чиройли гуллар безаб турибди, гуриқабар ўсаётган райхонларнинг анвойи ифори кишини сармаст қилади. Кувонарлиси, йўл ёқалари ўзига хос ландшафт-дизайн асосида безатилган бўлиб, миллийлигимизга хос кўзалар, турли ҳайкаллар, декоратив безаклар шундай жойлаштирилган, гуллар билан уйғунлашиб, ажиб бир кўриниш касб этган.

— Шаҳримиз кўндан-кўнга гўзаллашиб бормоқда. Айниқса, раван йўллар, кўприклар киши ҳавасини уйғотади. Таъсир қилинган, йўл бўйлаб кетаётганимизда, қаршигимизда ёнбошладиган улкан кўздан турфа гуллар оқиб қаяпти. Беихтиёр тўхтаб, мириқиб томоша қилгингиз, расмга тушгингиз келади. Бундай обод кўчаларда юрган одамнинг завқи ошади, баҳри дили очилади, — дейди самарқандлик Анавар Рустамов. — Келганимга бир неча кун бўлган бўлсада, таассуротларим бир дунё. Мамлакатимиз туризм йўналишида ўзига хос янгилик бўлган «Даблдекер» автобусида шаҳар кезарканман, тинчлигимиз ва фаровонлигимизнинг ўзига хос рамзига айланган пойтахтимиз мени борган сари мафтун этапти.

Шаҳримизни тунда бир айлангил, яна бир мўъжизага дуч келасиз. Турли чироқлар нуридан кўзингиз қамашади, қалбингизда хотиржамлик ҳис этасиз. Ҳа, чироқонлик саодат, қувонч белгиси. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши билан мамлакатимиз пойтахти, вилоят марказлари ва шаҳарлари юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий ташқи ёритиш тизими мосламалари билан жиҳозланмоқда. Нури дунд негизда амалга ошириладиган замонавий ташқи ёритиш тизими бўйича белгиланган чора-тадбирлар дастури билан амалга ошириш 2016 — 2019 йилларга мўлжалланган. Дастур лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Республика йўл фонди бюджетлари томонидан молиялаштирилади.

Хозирда мамлакатимизда энергия қувватини тежайдиган нуридиод ва люминесцент чироқлар, кўча ҳамда саннат ёритиш мосламаларини ишлаб чиқарадиган «Ўзэлтехсаннат», «Vesta Electric», «Plastic Modernity», «ENG Nur» ҳамда «Yorqin Chiroqlar» каби масъуляти чекланган жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. 2019 йилга келиб мажмур заводлар йиллик ишлаб чиқариш ҳажминини 15,7 миллион донага оширади. Кўчани ёритувчи нури диодлар йилга 25 минг дона ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Демак, кўчаларимиз нафақат текис ва раван, айни пайтда ёруғ ва ойдан бўлаётган. Ишонмасангиз, тунда пойтахтимиз кўчаларини бир айлангил. Порлаб турган саноксиз чироқлар сизга майин табассум қилади: «Хўш кўрдик» деётгандек бўлади. Беихтиёр завқингиз охири, мустақиллигимиз шарофати билан бўй кўрсатган ободилкин тақрор-тақрор томоша қилгингиз келади, кўнглингизда эса чексиз шукронали ҳисси жўш уради...

Akmal TOŠEB, «Ishonch» муҳбири

Реклама

Аукцион савдолари хабарномаси

«KOSHAR MULK SAVDO SERVIS» масъуляти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади

2016 йил 16 август кунин соат 12:30 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-йў манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 15.03.2016 йилдаги 10-1620/534-сонли Хал қилув қарорига асосан банкрот деб топишган «Dimaх Kommunal Servis» масъуляти чекланган жамияти бошқарув компанияси кредиторларининг 14.07.2016 йилдаги йилгилиш баёнига ва тугатилиш бошқарувинининг 15.07.2016 йилдаги 26-сонли бюортомасига асосан жамият ҳисобидида қўйидаги мулклар алоҳида ЛОТ тартибда қўйилмоқда. 1-ЛОТ. 2013 йилда и/ч Трешк (3-х қолесний) мототизил «Хамкор», русумли мототизили бошланғич баҳоси 10 500 000 сўм; 2-ЛОТ. Рунчая газонкоослика (бензинювая) бошланғич баҳоси 649 500 сўм; 3-ЛОТ. Компрессор поршневоий (объём 300л.) бошланғич баҳоси 4 444 000 сўм; 4-ЛОТ. Тўлик жиҳозланган офис компьютери бошланғич баҳоси 653 000 сўм; 5-ЛОТ. Газосварка аппарати (кислород балансиэ) бошланғич баҳоси 2 212 000 сўм;

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюортоманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2016 йил 15 август кунига қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушиш).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши суралади.

Аукцион савдоси голибига 20 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузиладиган белгиланади.

Закалат тўлови учун реқвизитлар: «KOSHAR MULK SAVDO SERVIS» МСН, х/р: 2020800005028108001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатилиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мўкин. Бюортоманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-йў. Тел: 0 (371) 233-21-18, E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БЮОРТМАЧИ ХИЗМАТ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи: **Лот 23-2.** Ширин шаҳар 110 ўринли 3-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи: **ҚҚС билан 331 314 679 сўм, ҚҚС сиз 276 095 566 сўм.**

Қурилиш муддати: 135 кун.
Лот 24-2. Мирзаобод туманидаги 90 ўринли 1-сонли мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш. Бошланғич нархи: **ҚҚС билан 345 991 018 сўм, ҚҚС сиз 288 325 848 сўм.**

Қурилиш муддати: 150 кун.
Қурилиш ишларини молиялаштириш: Маҳаллий бюджет ҳисобидан

Бюортоманомали: — Гулистон шаҳри, М. Ахтамов кўчаси, 30 уй
Телефон: 0-367-227-63-86, факс: 0-367-227-63-86

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамидан танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдордаги айланма маблағлар бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (кисматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш зўрасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тақрибдан ва ишончли бўлиши, ўқувчи объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳолашдан мамлакатимизни пудратчилари учун қўйидаги нарх преференцияларини қўзда тутилади: танлов иштирокчиларнинг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (кисматлар) киритилиши қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилик қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашувчи ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамов кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги телефон бўйича муурожаат қилишлари мўкин: **Тел (факс): 0-3672) 27-64-42. Бир тўпуман танлов ҳужжатларининг нархи — 87 960 сўм. Тақлифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан кўридаги манзилда қабул қилинади.**

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатида. Танлов савдоси маълумотида эълон қилинган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази биноси.

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъуляти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади

1. 2016 йил 16 август кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-йў манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 15.03.2016 йилдаги 10-1620/534-сонли Хал қилув қарорига асосан банкрот деб топишган «Dimaх Kommunal Servis» масъуляти чекланган жамияти бошқарув компанияси кредиторларининг 14.07.2016 йилдаги йилгилиш баёнига ва тугатилиш бошқарувинининг 15.07.2016 йилдаги 27-сонли бюортомасига асосан жамият ҳисобидида қўйидаги мулклар алоҳида ЛОТ тартибда қўйилмоқда. 1-ЛОТ. 2013 йилда и/ч Трешк (3-х қолесний) мототизил «Хамкор», русумли мототизили бошланғич баҳоси 10 500 000 сўм; 2-ЛОТ. Рунчая газонкоослика (бензинювая) бошланғич баҳоси 649 500 сўм; 3-ЛОТ. Компрессор поршневоий (объём 300л.) бошланғич баҳоси 4 444 000 сўм; 4-ЛОТ. Тўлик жиҳозланган офис компьютери бошланғич баҳоси 653 000 сўм; 5-ЛОТ. Газосварка аппарати (кислород балансиэ) бошланғич баҳоси 2 212 000 сўм;

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюортоманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2016 йил 15 август кунига қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушиш).

Аукцион савдоси голибига 20 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузиладиган белгиланади.

Закалат тўлови учун реқвизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МСН, х/р: 20208000700234536001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатилиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мўкин. Бюортоманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент шаҳар Буюк Турон кўчаси 42-йў. Лицензия РН 0170, тел: 0 (371) 233-21-18. Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru.

«Respublika mulk markazi» AJ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога, АТ «Халқ банки» Ангрэн филиалига тегишли, Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар, Охангарон кўчаси 25-йў манзилида сақланаётган «Лада 21154-120-20» русумли, давлат рақами 10 177 ТАА, 2008 йилда ишлаб чиқарилган бош

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Соғломлаштириш

Аънага кўра, бу йил ҳам «Ангрен логистика маркази» акциядорлик жамияти ходимлари фарзандларининг «Транспортчи авлод» оромгоҳида ҳордиқ чиқариши ташкил-лаштирилди.

Зерикишга вақт йўқ

Тоғ бағрида жойлашган оромгоҳнинг сўлим табиати, мусаффо ҳаво, мураббийларнинг жонқуярилиги, яратилган шароитлар болаларнинг мириқиб дам олишини таъминламоқда. Замонавий машғулот хоналари, янги наشرлар билан бойитилган кутубхона ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилаётир. Оромгоҳда кунига беш маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Кўплаб тўғараклар ишлаб турибди. Сузиш ҳаваси доимо гавжум. Маънавият ва маърифат хонаси, оромгоҳ музейи, спорт майдончалари болалар ихтиёрида.

Айниқса, маънавий-маърифий тадбирлар болаларга манзур бўлмоқда.

Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган тадбирлар асадам олувчиларга Ватан тарихи билан янада яқинроқ танишиш имконини берапти. Фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари ва фархрий ёрликлар топширилмоқда.

Т. ВАҚҚОСОВ,
«Ангрен логистика маркази» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси

Офарин



БИР ДАРАХТДА ИККИ ХИЛ МЕВА

Бухоро вилояти Жондор тумани Зарафшон қишлоғида яшовчи Назрулло Норовнинг 20 сотихли боғида олма, ўрик, шафтоли, нок ва узум парваришланади. Кўчатчилик илмини пухта ўзлаштирган соҳибкор, шунингдек, пайванди кўчатлардан яхшигина даромад олмақда. Олма ва нок новдаларини пайвандлаш асосида у бир дарахтдан ҳар иккала мева ҳосилини олишга ҳам эришган.

Суратда: боғбон Назрулло Норов.

ЎЗА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.

Марафон

Халқаро аҳолишунослик кунига бағишланди

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамагармаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда марафон ўтказилди. Мусобақада хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, маҳаллалар диний маърифат

ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ўқувчи қизлар иштирок этди.

Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аҳоли орасида тиббий маданият ва спорт мусобақалари оммавийлигини ошириш мақсадида уюштирилган марафон иштирокчилари пухта ҳозирлик

кўрганлигининг намойишига айланди. Болалар шашка мусобақаси ҳамда «Ез ўтади соз» мавзусида асфалтда расм чи-зиш бўйича ижодий танловда қатнашди. Ҳамадан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўғиллой АБДУСАТТОРОВА

Мулоҳаза

Ишларим кўп эди: аввал туфлимни яматиш, кейин қўл телефонимни тузатиш, тушиқдан сўнг рўзгорга у-бу харид қилиш... Бағрига қандай улгурарканман? Ахсига олиб йўлда бирорта туфли ямаш жойи учрамади. Ниҳоят, «Ремонт обуви»ни топдим. Ичкарига мўраладим, ўрта ёшлардаги киши «Хўш, хизмат?» дегандек тикилди. Туфлимнинг пошниси едирилганини, алмаштириш кераклигини тушунтирдим. Уста ишга киришди, мен эса «ремонт обуви»нинг ўзбекча муқоби-ли ҳақида бош қотира кетдим. «Ремонт»ни ямаш, деб таржи-ма қилса, тўғрироқ бўлар, деган фикрга келдим. Негаки, ямоқчи деб кўпроқ этиқдўларга нисбат берилган. «Ямоқ иши» деб ўша жойга ёзиб қўйса бўларкан. Кимгадир қўпол туюлар-у, лекин касб моҳиятини ифодалайди.

Тилимиз қашшоқ эмас

Овгимга туфлини илганча телефонни тузатиришга шошилдим. Ўн-ўн беш метрдан сўнг телефон устaxonасига етдим. Яна шунга ўхшаш ёзувга кўзим тушди: «Ремонт телефон». Оббо, деб ўйлай бошладим. Хаммаси «ремонт», бошқа сўз йўқмикан? — Қанча пайтдан бери телефон тузатасиз? — дея сўрайман уста боладан. — Бир кунда нечта одам келади? — Уч йилча бўлди. Санамайман, баракаси учади! — Манавини ўзбекча ёзиб қўйса бўлмасмикан. Мижозлар ўзбек-дир.

— Кленлар ўзбек, қонечни. Қайсини ўзбекча ёзай? — Ремонти. — Ўзбекча-ку... Ҳамма тушунади. — Наҳотки, сиз бу сўзининг маъноси «тузатиш» эканини билма-сангиз.

У мenden бироз хаффа бўлди-у, кейин фикримга қўшилди. Ҳарқалай, кимгадир телефон қилиб, рекламани ўзгартириш кераклигини айтиди. Тўғри-да, бир кунда юз одам келса, ҳар бири «ремонт»ни кўради. Шу хотирасига михланади, ёзгандаям, эҳтимол шундай ёзар. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг кўриш орқали эслаб қолиш қобили-яти юқори. Ўқитувчи уларнинг ҳатосини тузатгунча, мияси ачиб кетади.

Тилга бефарқ бўлмаган кишиларни доим шу нарса ўйлатса керак: нега четдан ўзлашган сўзларнинг муқобили ўзимизда бўла туриб, ҳали-ҳануз «ремонт», «beauty салони», «shop», «market» син-гари атамаларни ишлатишни яхши кўраемиз? Жарангдорлиги учу-ми ёки одамларнинг эътиборини янада кўпроқ жалб этиш сабаби-данми?

Четдан кўпгина махсулотлар, улар ортидан номлар кириб келаёт-ир. Аммо бу ҳорижий номларнинг ўрнини босувчи сўзлар ўзимиз-да борлиги кўпгина эсимизга келмайди. Хўп, читфуруш, базозони «бизнесмен» деган билан кишининг рутбаси ошиб қолармиди?! Ме-нимча, бизнесмен савдо ишини пухта биладиган ва соҳанинг барча жхатини қамраб оладиган касб эгаси. Шунинг ўзиёқ улар ўртаси-даги фарқи кўрсатиб турибди.

Энди қурилиш соҳасини олиб қарайлик. Бу борада ҳам ўзбек тилининг тарихий илдизига назар солганимиз йўқ: фақат нари-бери юз йил ичидаги «шлакловка» ва «ремонт»дан фойдаланиб юрибмиз, ҳолос. Аслида, илгари аждодларимиз уй қуришмагани, деган савол беихтиёр хаёлга келади. Ушанда «шлакловка», «ре-монт» ўрнида қандай сўзларни қўлашган? Умуман олганда, булар-нинг муқобилини ҳам бемалол топиш мумкин, фақат ўрнида ишла-тини билмаслик бас.

Дилдора ХУДОЙБЕРДИЕВА

Орамиздаги одамлар

Бедор қалб соҳибби

Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали ташкил тоналанига ўн олти йил тўлди. Ун олтига бўлимда 220 бемор учун тезкор даволаниш имко-нияти яратилган мазкур шифо масканида 150 нафар шифокор, 524 нафар ўрта, 248 нафар кичик тиббиёт ходими куну тун эл соғлиги йўлида посбонлик қилаётир.

Аслида самарқандлик Дил-бар Халилованинг қуйидаги дил сўзлари қўлимга қалам ту-тқазди: «Анчадан бўён ахволим яхши эмасди. Кўп жойда даво-ландим, наҳот изладим. Шу ерга келиб, мушуқлим осон бўлди. Урология бўлими бо-шлиги Ғайбулла ака Убайдулла-ев мени қийнаб келаётган дар-да аниқ ташхис қўйиб, дар-дан батамом фориқ қилди. Фа-қат мен эмас, ушбу бўлимда даволанаётган кўплаб бемор-лар ҳам бу шифокор ҳақида яхши фикрда. Унинг фидойи-лиги, ўз касбига садоқати, бе-морларга эътибори, ҳушмо-малалиги ҳақида миннатдор бўлиб сўзлардим».

Самарқанд тиббиёт инсти-тутининг даволан бўлимининг тугатган Ғайбуллани ўзи туғи-либ ўсган юрт — Жиззахга ишга жўнатишди. Дастлаб ви-лоят шифохонасида жаррохлик мутахассислиги бўйича йиллик интернатурани ўтагач, уроло-гия бўлимида врач-ординатор сифатида иш бошлади. Қўн-ғини, ҳамшира бировдан ёрда-мини, билганини аямайдиган, камтар, аҳойиб инсон, дўст ва устоз — Даврон Зокировдан кўп нарсаларни: беморлар билан мулоқот, инсонийлик фазилат-ларни, ва энг муҳими, ёрдами зарур бўлса, ҳар қандай шароитда етиб боришни ўрганди. Кўп вақт ўтмай уни урология бўлими мудирини этиб тайинлашди. Республика шо-шилиқ тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали ташкил этилгач, бўлим мудир-лигига унинг номзодини кўрсатишди.

Олий тоифали уролог Ғ.Убайдуллаев раҳбарлигида-

ги бўлимда ҳар йили мингдан ортиқ бемор шифо топиб, оиласи бағрига қайтмоқда. Инсон умрини узайтиришдек савобли ишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган жамоада олти нафар врач, ўн саккиз нафар ўрта ва кичик тиббий ходим меҳнат қилаётир.

Бўлимда ҳамшира аҳиллик ва тотувлик, бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳурмат ҳойида бўлаётган, қолаверса, шифокорларнинг изланиш, ўқиб-ўрганишдан чар-чамаётгани муваффақиятларга омил бўлаётир.

— Тиббиёт тизими такомил-лашиб, эндиликда эндоскопик, лапараскопик операциялар амал-лиётга кириб келди, — дейди Ғ.Убайдуллаев. Замонавий ас-соб-ускуналар ёрдамида эндос-копик текширувларни кўпайти-рганмиз. Қисман перкутон, неф-ростомия, троакар цистостомия ва уретрозекстракция каби операциялар ўзимизда амалга оширилмоқда.

Сўнги йилларда бўлимда

ўткир орхипидидимит билан даволанаётган беморларга алоҳида эътибор қаратилаёт-ти. Ушбу ташхис билан стац-ионар ҳолатда ётган беморлар-га тезкор усулни қўллаш орқ-али етиб даволаниш кўни 5,8 дан 5,2 га камайди.

Вилоятнинг Зарбдор, Фо-риш, Ғаллаорол, Мирзачўл ту-манларида ҳамақилли уролог-лар билан ҳамкорликда нефро-эктомия, аденоэктомия, не-фротомия каби операциялар жойида муваффақиятли амал-га оширилгани туфайли олий тоифали шифокор Ғ.Убайдул-лаевнинг довури доvon ошди.

Ғайбулла Убайдуллаевнинг Республика урологлар илмий жамияти аъзоси сифатида со-ҳанинг долзарб муаммоларига бағишланган кўплаб чиқишлар-ни ҳаммаслар ўртасида кат-та қизиқишга сабаб бўлмоқда. Инсон умрига умр қўшаёт-ган шифокорларни ҳеч икки-ланмай буюк савоб соҳиблари дейиш мумкин. Бундай олижа-ноб кишилар қалби эзгулик, одамларга яхшилик қилиш йўлида доимо уйғоқ ва бедор бўлади.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири.

Элвобек АЗИМОВ олган сурат.



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «Жамият ва мен» танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар кўйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида ўтказилади.

ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

- ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши мате-риал;
- жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши мате-риал.

МАХСУС НОМИНАЦИЯЛАР:

- «Ўз даврининг қаҳрамони» мавзусида энг яхши мақола;
- «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва кўйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзунинг ёритишда асослилик ва ўзига ҳослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар — 100129, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун: (371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жа-моат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъ-минлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритили-шини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқла-ри журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўма-ғида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловга 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябргача республи-ка босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларация-си, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қар-атилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъмин-лаш, шахсини ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демок-ратик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото-материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қоракалпоқ тилла-рида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва магбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР:

Ғолиблар диплом ва компютер жамланмаси, телевизор, план-шет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мав-зусидаги ижодий танловга деган қайд билан Ўзбекистон муста-қил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликла-рини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2016 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./ факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mfm.uz, e-mail: fonduz@gmail.uz.

Ташкилий кўмита

MUASSIS:



2007-йил 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chas, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumatlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Toshev

Navbatchi:

A.Arslonov
Musahhah:
S.Shodiyeva

Sahifalovchi:

H.Abdullajilov

Boshlarga topshirish vaqti — 21:20
Topshirildi — 21:40

1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etiladi.

Korxonada manzil: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma 7 — 715. 14075 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIS «Ishonch Bank» Yashnoba filiali, bank kodni 00959, STIP 201133889, OKONX 07100